

**«ТАСДИҚЛАЙМАН»**

**”Янгиқўрғон туман халқ таълими  
бўлими мудири”**

  
**А.Қаюмов**

**«5» ноябрь 2022 й**

## **БУЮРТМАЧИ:**

**« Янгиқўрғон туман халқ таълими бўлими »**

**“Бекабод” МФЙ-да жойлашган 43 – сонли умумий ўрта таълим мактаби  
биносини иссиқлик тизимини жорий таъмирлаш ишларини бажариш учун  
смета лойҳа ҳужжатларини тайёрлашга**

## **ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ**

**Янгиқўрғон шаҳри -2022 йил**

# Танлов ҳужжатларининг мазмуни:

## I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома

### ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

Ушбу йўриқнома 2021 йил 22 апрелдаги № 684-сонли Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2018 йил 26 майда № 3016-сон билан руйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиха Бошқаруви Миллий Агентлигининг “Харид тартиб-тамойилларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги” тартиби асосида ишлаб чиқилди.

### 1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1.1 “Бекабод” МФЙ-да жойлашган 43–сонли умумий ўрта таълим мактаб биносини иссиқлик тизимини жорий таъмирлаш бўйича лойiha смета ҳужжатларини тайёрлаш учун малакали мутахассисларга эга бўлган ташкилотлар жалб қилинади.

1.2. Танловнинг бошлагич қиймати – **160000000 (Ўн олти миллион )** сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан ташкилот билан шартнома тузилади.

1.3. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 5 кун.

1.4. Ишларни бошлаш муддати – буюртма берилган кундан бошлаб ҳисобланади.

### 2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. “Янгиқўрғон туман халқ таълими бўлими” (бундан кейин - “Буюртмачи” деб аталади) - танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Почта манзили 161200, Ўзбекистон Республикаси Наманган вилояти Янгиқўрғон тумани Янгиқўрғон шаҳари Наманган кўча 13 уй

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов “Янгиқўрғон туман халқ таълими бўлими” биносида “Буюртмачи” томонидан тузилган харид комиссияси орқали конунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

### 3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1 Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, тажрибага эга малакали хизмат кўрсатиш бўйича белгиланган юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар ўзининг низоми ва лицензия асосида тақдим этган холда иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қуйилади:

- Танлов савдо иштирокчиси тўғрисидаги умумий ахборот (Устав ва гувоҳномадан, таъсисчи ва раҳбарнинг шахсий ИИН си ва паспорт нусхалари).

- Танловда қатнашиш кунда Давлат солиқ инспекциясидан солиқдан қарздорлиги йўқлиги тўғрисида маълумотнома.

- Танловдаги объектга ўхшаш объектларда охири икки йиллик иш тажрибаси.

- Банк кафилиги бўлсин.

- Танлов иштирокчисининг молиявий кўрсаткичлари.

- Танлов иштирокчисининг ишлари бажаришда фойдаланадиган машина ва механизмлари рўйхати.

- Объектнинг жамланма жадвали, объектда бажариладиган иш ҳажмлари рўйхати, объект қурилишининг шартномавий нарҳини белгилашда ишлатилган асосий нарх шакллантирувчи компонентларнинг нарҳлари.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга руҳсат этилади.

3.4. Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга руҳсат берилмайди:

- қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.